QASHQADARYO VILOYATI
KASBI TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

180600, Kasbi tumani, Mustaqillik ko'chasi. Faks (+99875) 642-24-66, N.Boyturdiyev@exat.uz

2021 йил «26» март 16-4-61-Q/21 Касби туман ҳокимияти

Касби тумани ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгилари ўрнатиш тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6, 25-моддалари, “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонунининг 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати Қоидалари” талабларига асосан Касби тумани ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича профилактик-огоҳлантириш ва оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ташкилий ва амалий чора-тадбирлар режасини ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Касби туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили иловага асосан тасдиқлансин ҳамда мазкур йўл белгиларини ўрнатишга рухсат берилсин.

2. Касби туман Ички ишлар бўлими бошлиғи Ф.Ибрагимов, туман ички ишлар бўлими Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи О.Эшмаматов ва туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори О.Сиддиқовга туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ва доимий назорат қилиш вазифаси юклатилсин.

3. Мазкур қарор “SADOQAT” газетасида эълон қилинсин ҳамда ҳокимликнинг kasbituman.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

4. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Қ.Тўраев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Т.А.Мейлиев**

Туман ҳудудида умумфойдаланувидаги автомобиль йўллари ва марказий кўчаларида фуқаролар ва транспорт воситаларини ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларини олдини олиш мақсадида ўрнатилиши лозим бўлган йўл белгилари ва манзили

РЎЙХАТИ

№	**Йўл белгиси ўрнатилган манзил номи**	**Йўл белгисини номи**
1.	4р92 “Қарши-Касби-Жейнов-Помуқ” автомобиль йўлининг 35-километрида	**3.1 “Кириш таъқиқланган”**
2.	4р234 “Косон-Қарлиқ-Муборак” автомобиль йўлининг 9-километрида	**5.43 “Радар”**